



## АКТУАР МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Vol. 4 Issue 01 | pp. 123-132 | ISSN: 2181-1865  
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ



Н.А.Алимханова

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захираларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида баҳолаш ҳамда ҳисобини юритиш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, товар-моддий захираларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда молиявий ҳисоботларда уларни акс эттириш масалалари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар.** товар-моддий захиралар, тайёр маҳсулот, товарлар, молиявий ҳисобот, ФИФО, АВЕКО.

### ОСОБЕННОСТИ И УРОВНИ ОЦЕНКИ МАТЕРИАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ

Н.А.Алимханова

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В данной статье разработаны предложения и рекомендации по оценке и учету запасов хозяйствующих субъектов на основе международных стандартов финансовой отчетности. Также раскрыты особенности товарно-материальных запасов и вопросы их отражения в финансовой отчетности.

**Ключевые слова.** запасы, готовая продукция, товары, финансовая отчетность, ФИФО, АВЕКО.

### SPECIFIC CHARACTERISTICS AND LEVELS OF EVALUATION OF MATERIAL RESOURCES

N.A.Alimxanova

Tashkent State University of Economics

**Abstract.** In this article, proposals and recommendations have been developed on the assessment and accounting of economic entities' inventories based on international standards of financial reporting. Also, specific features of inventories and issues of their reflection in financial statements are disclosed.

**Keywords.** inventories, products, goods, financial statements, FIFO, AVECO.

## 1. КИРИШ

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини хўжалик юритувчи субъектлар амалиётида қўллаш орқали уларнинг молиявий ҳисоботларида товар-моддий захиралар ҳисоби натижалари бўйича товар-моддий захиралар қийматини тўғри акс эттирганлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса, молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларни хўжалик юритувчи субъектнинг активлари, мажбуриятлари ва хусусий капитали тўғрисида ишончли маълумот билан таъминлаш учун зарурдир.

Товар-моддий захиралар ҳисобини тўғри ва самарали ташкил қилиш бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлашга имконият яратади. Стандарташтирилган жараёнлар ва халқаро стандартлар талабларига риоя қилиш орқали хўжалик юритувчи субъектлар товар-моддий захиралар ҳисобида номувофиқлик ва хатоларни камайтиришлари мумкин.

Товар-моддий захиралар ҳисобини юритиш орқали хўжалик юритувчи субъектларга мазкур молиявий ҳисобот моддаси бўйича харажатларини янада самаралироқ кузатиш ва назорат қилиш имконини беради. Сотилган маҳсулот таннархини, товар-моддий захиралар айланиш коэффициенти ва бошқа асосий кўрсаткичларни кузатиб бориш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг турли харажатларини камайтириш ва рентабелликни ошириш имкониятларини аниқлашлари мумкин. Ушбу маълумотлар хўжалик юритувчи субъектларга ТМЗларни тўлдириш, нарх стратегияси ва маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш бўйича стратегик бошқарув қарорлари қабул қилишларига замин яратилади. Шу сабабли товар-моддий захиралар ҳисобини юритиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масалага айланиб қолмоқда.

## 2. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда товар-моддий захиралар муҳим ўрин тутди. Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини амалга оширар экан маълум миқдорда ресурсларга эга бўлиши керак. Ресурслар таркибида асосий воситалар, номоддий активлар, пул маблағлари билан биргаликда товар-моддий захиралар ҳам салмоқли ўринга эга бўлади. Товар-моддий захиралар фаолият узлуксизлигини таъминлашда ҳам алоҳида ўрин тутди.

«Товар-моддий захираларни баҳолаш қуйидаги иккита баҳонинг энг пасти бўйича — баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннарх (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) бўйича ёки бозор баҳоси (реализация қилишнинг соф қиймати) бўйича амалга оширилади»<sup>1</sup>.

«Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМСга асосан, «товар-моддий захиралар кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юритиш жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни, ЎРҚ-404-сон, 13.04.2016 йил.

маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар»<sup>2</sup>.

«Захиралар» номли 2-сон БҲХСга мувофиқ, захиралар бу - қуйидаги активлардир:

«одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган;

бундай сотиш учун ишлаб чиқариш жараёнида бўлган;

ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ишлатиладиган хом ашё ёки материаллар шаклида бўлган»<sup>3</sup>.

Бир қатор ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар материаллар харид қилиш, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш учун қарз маблағларини жалб қилади. Қарзлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш «Қарзлар бўйича харажатлар» номли 23-сон БҲХСда келтирилган. Ушбу стандартга мувофиқ, «хўжалик юритувчи субъектлар қайта таснифланадиган активларни, яъни уларга нисбатан фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш вақт талаб қиладиган ишлаб чиқариш (харид қилиш) билан боғлиқ бўлган қарзлар бўйича сарфларни ушбу актив бошланғич қийматининг бир қисми тарзида капиталлаштириши лозим»<sup>4</sup>.

Д.Норбеков, А.Махмудов ва Д.Мухаммедовалар ТМЗларни баҳолаш ва инвентаризация қилиш, ТМЗ бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш масалаларига чуқур эътибор қаратишган<sup>5</sup>.

И.К.Очилов ва Ж.Э.Қурбонбоевларнинг фикрича, соф сотиш қиймати деганда товар сотилишининг тахминий қийматидан товарларни сотув олдидан тайёрлаш ва уни сотиш харажатларининг айирмасидир<sup>6</sup>.

О.Бобожонов ва К.Жуманиязовларнинг фикрича, даврий ҳисобга олиш тизимини қўллашда ТМЗнинг ҳар бирининг батафсил ҳисоби юритилмайди. Товар-моддий захираларнинг мавжудлиги мавжуд захираларнинг инвентаризация натижалари бўйича аниқланади. ТМЗни узлуксиз ҳисобга олиш тизимини қўллаганда ТМЗнинг баланс счётларида товар-моддий захираларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетиши батафсил акс эттирилади<sup>7</sup>.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган товар-моддий захираларни ҳисоблаш, кузатиш ва баҳолаш жараёнини англатади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобида товар-моддий бойликларнинг миқдори, таннархи ва қийматининг тўғри ҳисобини юритишни, шунингдек, товар-моддий захираларни сотиб олиш, сотиш ва тузатишлар ҳисобини юритишни ўз ичига олади.

### 3. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар тўғрисидаги ахборотлар мазкур субъект раҳбариятини ўз вақтида ва ҳаққоний маълумотлар билан таъминлашда ҳамда самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим

<sup>2</sup> «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМС. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>3</sup> «Захиралар» номли 2-сон БҲХС. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>4</sup> «Қарзлар бўйича харажатлар» номли 23-сон БҲХС

<sup>5</sup> Norbekov D.E., Mahmudov A.N., Muhammedova D.A. Buxgalteriya hisobi. –Т.: «Iqtisod-moliya», 2018. -248 b. 65-86-бетлар

<sup>6</sup> Очилов И.К., Курбонбоев Ж.Э. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007. -488 б.

<sup>7</sup> Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. –Т.: «Молия» нашриёти, 2002. 672 бет.

аҳамият касб этади. Бунга товар-моддий захиралар самарадорлигини баҳолаш, мол етказиб берувчилар муносабатларини баҳолаш ёки маҳсулотга бўлган талабни башорат қилиш каби стратегик қарорлар киради.

Товар-моддий захиралар ҳисобида турли хатолар, фирибгарликлар, ва муҳим бузиб кўрсатиш rischi даражасини камайтиришда хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан ички назоратни амалга оширишлари ҳамда мунтазам равишда бухгалтерия ўтказмаларини тўғрилиги юзасидан қайта текширувларни олиб боришлари лозим.

Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар ҳисобини юритишнинг самаралилигини таъминлаш орқали мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг харидорлари учун хом-ашё ва материалларни ўз вақтида етказиб беришга ва уларга хизмат кўрсатиш даражасини юқори савияга олиб чиқишга имкон беради. Шунингдек, ҳозирги пайтда давлат солиқ органлари билан муносабатларни тартибга солишда ҳам товар-моддий захираларни сотиб олиш, сотиш, маҳсулот таннархига олиб бориш ва баҳолаш бўйича бухгалтерия ёзувларини тўғри ва ҳаққоний расмийлаштириш натижасида мазкур хўжалик юритувчи субъектларнинг солиққа тортиладиган даромадларини янада аниқроқ ҳисоблашга ҳамда молиявий ҳисобот шаклларида товар-моддий захиралар бўйича маълумотларни ҳаққоний акс эттиришга ёрдам беради.

Умумий қилиб айтганда, товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил қилиш, молиявий ҳисобот, мувофиқлик, харажатларни бошқариш, бошқарув қарорларини қабул қилиш, муҳим бузиб кўрсатиш riskларини камайтириш ва солиққа тортиш масалаларини тўлиқ ва ҳаққоний ёртилишда муҳим дастак бўлиб хизмат қилади.

Шу сабабли хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захираларини тўғри ва самарали бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Қуйида келтирилган жадвалда тадқиқот объекти ҳисобланган “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг 2018-2022 йиллар давомида товар-моддий захиралар ва улар таркиби ўзгариши келтирилган

1-жадвал

**«Ўзбекистон темир йўллари» АЖда 2018-2022 йиллар давомида товар-моддий захиралар ва улар таркиби ўзгариши, минг сўмда<sup>8</sup>**

Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши, сўм	2022 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши, %
Товар-моддий захиралар,	943192 266	1292557 212	1779801 432	2098460 596	2473086 541	1529894 275	262,2


<sup>8</sup>«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бухгалтерия баланси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

жами							
шу жумладан:							
Ишлаб чиқариш захиралари	831729 798	1212298 022	1779801 432	1886833 507	2202201 124	1370471 326	264,8
Тугалланма ган ишлаб чиқариш	755313 67	4186145 1	4773823 6	1582805 97	2282705 89	1527392 22	302,2
Тайёр маҳсулот	171243 55	1277757 4	4773823 6	4931174 8	3688914 4	1976478 9	215,4
Товарлар	188067 46	2562016 5	4773823 6	4034744	5725684	- 13081062	30,4

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2022 йилда 2018 йилга нисбатан таҳлил қилинаётган барча “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида товар-моддий захираларнинг кўпайиши кузатилган (262,2 фоиз). Энг катта ўсиш тугалланмаган ишлаб чиқаришда кузатилган (302,2 фоиз).

Шунингдек, ишлаб чиқариш захиралари 2022 йилда 2018 йилга нисбатан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖда 264,8 фоизни, тайёр маҳсулотлар эса 215,4 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Таҳлил қилинаётган акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш захиралари ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг товар-моддий захиралардаги улуши юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Бухгалтерия ҳисобида товар-моддий захираларни ҳисобга олиш хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган хом-ашё материалларни ҳисобга олиш, кузатиш ва баҳолаш жараёнини англатади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захиралари миқдори, маҳсулот таннархи ва қийматининг ҳисобини тўғри ва ҳаққоний юритишни, шунингдек, мол етказиб берувчилардан товар-моддий захираларни сотиб олиш, харидорларга сотиш ва бухгалтерия ҳисобида айрим ўтказмаларга тузатишлар киритиш бўйича ҳисобини юритишни ўз ичига олади. Товар-моддий захиралар ҳисоби қуйидагиларни ўз ичига олади (1-расм).



### 1-расм. Товар-моддий захиралар ҳисобининг хусусиятлари<sup>9</sup>

Бухгалтерия ҳисоби регистрларида товар-моддий захираларни сотиб олиш, сотиш, қайтариш ва тузатиш киритиш каби муомалаларни қайд этиш жараёнлари ўзига хос хусусиятларга эга. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида товар-моддий захиралар ҳисобини юритишда хом ашё материалларни сотиб олиш, ишлаб чиқариш фаолияти, тайёр маҳсулотларни харидорларга сотиш ва ТМЗларнинг шикастланиши каби омилларни ҳисобга олган ҳолда товар-моддий захиралар миқдоридagi ўзгаришлар бўйича маълумотларни инобатга олиш зарур. Шунингдек, товар-моддий захираларни ҳисобга олиш товар-моддий захираларга уларнинг таннархи ёки соф сотиш қийматидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ҳаққоний қийматини белгилашни талаб қилади. Товар-моддий захираларни баҳолашнинг кенг тарқалган усуллари қаторига биринчи кирувчи, ФИФО, ЛИФО ва АВЕКО усуллари киради. Товар-моддий захираларни мазкур баҳолаш усуллари молиявий ҳисобот ва солиқ мажбуриятлари учун жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг асоси харажатлар оқимини тахмин қилиш концепцияси бўлиб, товар-моддий захиралар бўйича харажатлар сотилган товарлар ва товар-моддий захираларнинг қолдиғига қандай тақсимланишини белгилайди. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ушбу жараёнда ФИФО, ЛИФО ёки товар-моддий захиралар объектларига харажатларни тўғри тақсимлаш ва кирим қилиш учун бошқа усуллардан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилиш киради.

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар товар-моддий захираларни ҳисобга олиш ҳамда самарали бошқариш учун раҳбарият томонидан ички назорат тартиб-таомилларини амалга ошириш муҳимдир. Хусусан, товар-моддий захираларнинг хавфсизлик даражасини белгилаш ва ҳақиқий молиявий ҳисоботлардаги товар-моддий захиралар қолдиқларини омбордаги товар-моддий захиралар миқдорлари билан солиштириш учун мунтазам инвентаризация ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий ҳисоботларда товар-моддий захираларнинг миқдори кўпгина хўжалик юритувчи субъектларда катта салмоққа эга активлардан бири ҳисобланади. Товар-моддий захираларни тўғри ҳисобга олиш молиявий ҳисоботларда жорий активларнинг ҳаққоний қиймати ва сотилган маҳсулот таннархини акс эттиришини таъминлайди. Чунки, товар-моддий захираларни ҳисобга олиш хўжалик юритувчи субъектнинг турли солиқларни давлат бюджетига тўлашларида ва қонунчиликка риоя қилишларига ҳам бевоита таъсир қилади, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларлар товар-моддий захираларни баҳолаш ва ишлаб чиқаришга ТМЗларни тақсимлаш усуллари бўйича солиқ қонунчилигига риоя қилишлари зарур.


«Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМСга биноан, «ҳар бир кейинги даврда реализация қилишнинг соф қийматини янгидан қайта баҳолаш ўтказилиши мумкин. Иқтисодий конъюнктуранинг ўзгарганлиги сабабли ташкилотнинг мулкидаги илгари қиймати пасайтирилган товар-моддий захирани реализация қилишнинг соф қиймати ошган ҳолда тегишли ҳисобдан чиқариш суммаси шу тариқа тикланадики (тиклаш дастлабки ҳисобдан чиқариш миқдорлари билан чекланган), бунда янги баланс қиймати ушбу икки қийматнинг энг ками - таннарх ёки қайта кўриб чиқилган реализация қилишнинг соф қийматига қадар келтирилади»<sup>10</sup>.

««Захиралар» номли 2-сонли МҲХСда таннархни баҳолаш усуллари акс эттирилган, унга мувофиқ, одатда, қулайлик учун захиралар таннархини меъёрий сарф-харажатлар усули ёки чакана нархлар ҳисоби сингари баҳолаш усулларидан фойдаланиш мумкин»<sup>11</sup>.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш, уларни бошқариш, молиявий ҳисоботларда акс эттириш ҳамда товар-моддий захираларнинг самарадорлигини ошириш бўйича такомиллаштириш масалалари бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланиб келмоқда. Тадқиқотлар натижасида товар-моддий захиралар ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттиришни такомиллаштириш юзасидан қуйидагиларни тақлиф қиламиз. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) бўйича товар-моддий захираларнинг дастлабки баҳосини шакллантириш муайян тамойиллар ва қоидаларни инобатга олган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида товар-моддий захираларни баҳолаш қуйидаги 5-босқичда амалга оширилади (2-расм).

<sup>10</sup> «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМС. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>11</sup> «Захиралар» номли 2-сон БҲХС. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



## 2-расм. Товар-моддий захираларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида баҳолаш босқичлари<sup>12</sup>

Биринчи босқичда одатдагидек, товар-моддий захираларни баҳолаш усулини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ товар-моддий захираларни баҳолашда ФИФО (биринчи келган биринчи чиқади), ЛИФО (охирги келган биринчи чиқади) ва АВЕКО (ўртача оғирликдаги харажат) каби бир қатор усуллардан фойдаланилади. Ушбу усулларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга ва товар-моддий захираларни баҳолаш учун турли хил натижаларга олиб келиши мумкин.

Баҳолаш усулини танлагандан сўнг, товар-моддий захиралар қийматини аниқлаш керак. Бу товар-моддий захираларни сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш харажатларини, шунингдек уларни сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан боғлиқ барча бевосита ва билвосита харажатларни ҳисобга олишни ўз ичига олиши мумкин.

Учинчи босқичда эса, товар-моддий захираларнинг бозор қиймати уларнинг дастлабки қийматидан паст бўлса, товарларни сотиш ва айланма харажатларни ҳисобга олиш керак. Бу чегирмалар, комиссиялар ва товарларни утилизация қилиш ёки қайта ишлаш харажатларини ҳисобга олишни ўз ичига олиши мумкин.

Аксарият ҳолларда, агар товар-моддий захираларнинг бозор қиймати дастлабки қийматидан сезиларли даражада фарқ қилса, товар-моддий

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



захираларнинг бозор қийматини баҳолаш керак. Бу бозор таққосланадиган объектларнинг қийматини баҳолашни ёки муқобил баҳолаш усуллари қўллашни талаб қилиши мумкин.

Сўнги босқичда эса, товар-моддий захиралар бўйича ахборотлар ҳужжатлаштирилиши ва молиявий ҳисоботларда тўғри ва ҳаққоний акс эттирилиши ҳамда ошқор этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ва молиявий маълумотларнинг шаффофлиги ва ишончлилигини таъминлашга ёрдам беради.

#### 4. ХУЛОСА

1. Умуман олганда, товар-моддий захираларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш хўжалик юритувчи субъектлар учун ўз тасарруфидаги товар-моддий захираларни тўғри акс эттириш ва бошқариш, асосли бошқарув қарорларини қабул қилиш, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари ва солиқ қонунчилигига риоя қилиш ва молиявий ҳисоботларда товар-моддий захиралар бўйича маълумотларни ҳаққоний акс эттириб, молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун тегишли ахборотларни беришда муҳим аҳамиятга эгадир.

2. Аксарият ҳолларда, товар-моддий захиралар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида юритиш жараёнида уларнинг хусусиятлари муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захираларнинг аниқ ўзига хос хусусиятларини бухгалтерия ҳисобининг иш жараёнларида инобатга олиш зарурлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди.

3. Товар-моддий захираларни дастлабки ҳамда жорий баҳолашнинг тўғрилиги ва ишончлилиги молиявий ҳисоботнинг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади, шунинг учун мазкур масалага етарлича эътибор бериш ва МҲХС талабларига мувофиқ барча зарурий ҳисоб-китоблар ва таҳлилларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ товар-моддий захираларни баҳолашнинг 5 босқичидан фойдаланиш орқали молиявий ҳисоботларда товар-моддий захиралар бўйича ахборотларни тўғри ва ҳаққоний акс эттирилишига эришилади.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни, ЎРҚ-404-сон, 13.04.2016 йил.
2. «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМС. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. «Захиралар» номли 2-сон БҲХС. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. «Қарзлар бўйича харажатлар» номли 23-сон БҲХС
5. Norbekov D.E., Maxmudov A.N., Muhammedova D.A. Buxgalteriya hisobi. –Т.: «Iqtisod-moliya», 2018. -248 б. 65-86-бетлар
6. Очиллов И.К., Қурбонбоев Ж.Э. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007. -488 б.
7. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. –Т.: «Молия» нашриёти, 2002. 672 бет.

8. Sam Sedki, Abby Smith, Aissa Strickland. Differences and Similarities Between IFRS and GAAP on Inventory. Revenue Recognition and Consolidated Financial Statements. Journal of Accounting and Finance vol. 14(2) 2014.

9. Ташназаров С.Н. Товар-моддий захиралар таннархи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари. //»Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

